

Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг қирқ олтинчи сессияси бўлиб ўтди

Жорий йилнинг 27-июл куни Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг 46-сессияси бўлиб ўтди. Ушбу бўлиб ўтган сессияда сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, туман Кенгаши депутатлари, алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

Сессияни Халқ депутатлари туман кенгаши раиси Турсунов Баҳром Бобохонович бошқариб борди. Кенгаш раиси кун тартибида кўрилиши белгиланган ўнта масала билан барчани таништирди.



Кун тартибидаги масалалар:

1. Узун тумани аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва ички бозорда нарх-наволарнинг барқарорлигини сақлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 31-мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145 - сонли қарори ижроси юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари, Оила ва Хотин-қизлар бўлими бошлиғи С.Гулбоеванинг ҳисоботи тўғрисида

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сонли Фармонининг тумандаги ижроси тўғрисида туман Мажбурий ижро бюроси раҳбари З.Рахимовнинг ҳисоботи тўғрисида;

4. Туман Ички ишлар бўлими Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлини бошлиғи ўринбосари Ж.Ибрагимовнинг туманда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2022-йилнинг 6 ой давомида амалга оширган муайян ишлари тўғрисида ҳисоботи;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбияланаётган ва уй жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга арзон уй-жой бериш тартиби тўғрисида”ги 285-сонли қарорининг ижроси юзасидан тумандаги “Баҳористон” маҳалла ҳудудида амалга оширилаётган ишлар юзасидан туман ҳокими ўринбосари Х.Бердимуратовнинг ҳисоботи тўғрисида;

6. Узун тумани ҳокимлиги, Халқ депутатлари Узун тумани Кенгаши ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман Кенгашининг қўшма қарорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил


22-апрелдаги 213-Ф-сон фармойишига асосан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Узун тумани бўлими қошида очилган “Саховат ва кўмак” жамғармасига тушган маблағларнинг сарфланиши ҳақида:

8. Узун туманидаги маъмурий-ҳудудий birlikлар чегараларини белгилаш тўғрисида

9. Узун тумани маҳаллий бюджетни маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

10. 2022-йил биринчи ярим йиллик якунларига кўра жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида

11. Бошқа масалалар;




Сессия ишида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Хасановнинг Узун тумани аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва ички бозорда нарх-наволарнинг барқарорлигини сақлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи;



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 31-мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 145 - сонли қарори ижроси юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари, Оила ва Хотин-қизлар бўлими бошлиғи С.Гулбоевнинг ҳисоботи;




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сонли Фармонининг тумандаги ижроси тўғрисида туман Мажбурий ижро бюроси раҳбари З.Рахимовнинг ҳисоботи;




Туман Ички ишлар бўлими Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлини бошлиғи ўринбосари Ж.Ибрагимовнинг туманда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2022-йилнинг 6 ой давомида амалга оширган муайян ишлари юзасидан ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, Узун тумани ҳокимлиги, Халқ депутатлари Узун тумани Кенгаши ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман Кенгашининг қўшма қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 22-апрелдаги 213-Ф-сон фармойишига асосан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими қошида очилган “Саховат ва кўмак” жамғармасига тушган маблағларнинг сарфланиши, Узун тумани маҳаллий бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва бошқа масалалар туман

Кенгаши депутатлари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, туман Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.







Узун туман ҳокимлиги ахборот хизмати